





Парламент фаолиятдан

# ҲАЁТБАХШ ҚОНУНЛАР

## истиқболга йўл очади

■ Президентимиз «Биз модернизация деганда, кўпинча сановат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, сановат билан бир қаторда иқтисодийтимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига қирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексда техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда», деб таъкидлаган эди.

Агар дунё иқтисодийётидаги ўзгаришларни, хусусан, қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларга бўлган талаб йил сайин ошиб бораётганини ҳисобга олсак, бу қанчалик муҳим экани ойдинлашади.

**Ҳўрақўзи Қўлдошев,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,**

**ЎзХДП фракцияси аъзоси:**  
— Мустақилликка эришганимиздан кейин аграр соҳани модернизация қилиш, тегишли қонунчиликни такомиллаштириш бўйича муҳим ислохотлар амалга оширилди. Бу — ҳаётда ўз аксини топмоқда. Мисол учун, сувдан оқилона фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқарган чоратадбирлар самараси ўлароқ қишлоқ хўжалигидаги бир йиллик сув сарфи ҳажми 10 миллиард метр кубга камайди.

Дунёда аҳоли сонининг тобора ортиб бориши озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун изчил чоралар кўришни тақозо этмоқда. Бунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини интенсив усулда етиштиришни кенгайтириш муҳим ўрин тутаяди. Мамлакатимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жумладан, чорвачилик, боғдорчилик, сабазавот ва полив маҳсулотларини интенсив усулда етиштириш, инновацион, био ва нанотехнологиялардан, илмий ишланмалар ва замонавий агротехнологиялардан кенг фойдаланишмоқда.

Ҳаёт ўзгараяпти, ҳар соҳада илмий-технавий янгилаш бўлаяпти. Улардан унумли фойдаланиш — давр талаби. Бунинг учун аграр соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, хусусан, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, техник ва технология янгилаш, инновациялар, био ва нанотехнологияларни жорий этиш бўйича ху-

қуқий асосни мустаҳкамлаш лозим. Хусусан, «Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Дехқон хўжалиқлари тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиқлари тўғрисида»ги ва бошқа қонунларни аграр соҳада амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар билан уйғунлаштириш, уларга ҳаёт талаб этаётган ўзгариш ва қўшимчаларни киритиш зарур.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси ҳамда Ахборот хизмати ҳамкорлиқда ташкил этган онлайн тарздаги матбуот конференциясида шу ҳақда фикр юритилди. Мазкур конференцияда, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарь, Навоий ва Самарқанд вилоятларидаги қатнашчилар аграр соҳага доир қонунлар, уларга киритилиши кўзда тутилаётган ўзгариш ва қўшимчалар бўйича ўз фикрларини айтишди. Депутатлар қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, соҳага дахлдор қонунчиликни такомиллаштириш, бунда алоҳида эътибор талаб этадиган масалалар, Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитасининг шундан келиб чиқувчи вазифалари ҳақида фикр алмашди.

Конференцияда кўмига соҳага доир қонунчиликни такомиллаштиришга, бу жараёнда тегишли вазирлик, қорхона-ташқилот ва малакалий мутахассислар билан ҳамкорликни кенгайтиришга ҳаракат қилаётгани таъкидланди.

**Тўлқин Тўрахонов,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



**Бекзод ХОЛМАТОВ,**  
**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг масъул ходими:**

— Ёш авлодни тарбиялашда оиланинг аҳамияти катта. Чунки оила маърифат бешиги, жамият асоси ҳисобланади. Кишида атрофдагиларга яхшилик қилиш, шу мақсадда эзгу ишларга интилиш ҳисси аввало оилада шаклланади. Бунда оилагаги муҳит, таълим-тарбия муҳим ўрин тутаяди.

Бу борада, айниқса, ёш оила аъзолари яхши тасаввурга эга бўлиши муҳим. Биз фуқаролик жамиятининг турли институтлари билан ҳамкорликда шунга эътибор қаратаймиз. Хусусан, жойларда кишиларга ҳуқуқий, иқтисодий маслаҳат бериш билан бирга, маънавий муҳит тазолиги оила мустаҳкамлигининг асоси эканини кўпроқ тарғиб қилишимиз керак.



**Акмал УМАРАЛИЕВ,**  
**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:**

— Соғлом фикрли, вазиятга ҳолис баҳо бериб, оқилона ҳулоса чиқарадиган ин-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

# ВАТАНГА САДОҚАТЛИ

фарзандларни тарбиялаш — муҳим масала



сон зарарли таъсирлардан ҳоли бўлади. Бундай киши оила тинчлиги ва фаровонлиги учун ўзида масъулият ҳис қилади. Масъулиятли ёшлар сафиди кенгайиши оилалар осудалиги, юрт тараққиётининг гаровидир. Шундан келиб чиқиб, миллий ғоя тарғиботини кучайтириш лозим, деб ўйлайман. Ватанпарварлик, аждодлар меросини ҳурмат қилиш, уни асраб-авайлашга бағишланган тadbирларни кўпроқ ташкил қилиш фойдали бўлади. Ўша эл-юрт назаридики кишиларни, таникли олим ва ёзувчиларни жалб этсак, ёшлар уларнинг бой ҳаётий тажрибасидан баҳраманд бўламиз. Бу йигит-қизларнинг маънавиятини бойитишда яхши самара беради.

Шунингдек, ёшларни касб-хунарга ўргатиш, боладаги истеъдодни шакллантириш борасида «Истиқбол» қаноти кўпроқ ташвиқот олиб бориши, бу борада махсус

янги лойиҳалар ишлаб чиқиши керак, деб ўйлайман. Чунки касб-хунарга эга йигит-қиз ҳаётдан ўз ўрнини топади, оиласи ва жамиятга нафи тегади. Азалдан ота-боболаримиз шу масала билан яшаган. Биз ёшлар бунга алоҳида эътибор беришимиз лозим.

**Гавра АЛИМОВА,**  
**Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси ўринбосари:**  
— Жамғармада оилалар дуч келаётган муаммо ва ма-

салаларни ҳал қилишга амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Хусусан, ота-оналарнинг оила олдидаги масъулиятини оширишга жиддий эътибор қаратишмоқда. Ота-она маърифатли бўлса, фарзанд бўлган чанқоқ бўлади, доим ўқиб ўрганади.

Оила — маҳалла — мактаб ҳамкорлиги бу борада яхши самара беради. Ёшлар таълим-тарбиясида доимий

эътибор қаратиш, мазкур ҳамкорликни кучайтириш борасида кўп ишлар қилинаёти. Ёш авлодни салбий иллатлар таъсиридан асраш, уларга ҳаётда тўғри йўл кўрсатиш, миллий мен-талитетимизга ёт бўлган зарарли оқимларга қарши туришда оиланинг ўрнини мустаҳкамлаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

**Гулруҳ ОДАШБОВА,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

### ЎзХДП: устувор вазифалар

# МАҚСАДГА ЭРИШИШ УЧУН

## қатъий ва амалий ҳаракат зарур

Либерализмнинг асосий принципларидан бири **индивидуализм** концепциясида келиб чиқувчи **шахс эркинлигининг устуворлиги** ҳисобланади. Бу — мамлакатимизда қарор топган халқимиз кадрларидан **маҳаллавий жамоавийлик ва ижтимоий бирдамлик** каби тарихий анъаналарга мос тушармикин? ЎзХДП халқимиз руҳиятига яқин бўлган **ижтимоий бирдамлик** тамойилни асраш ва ривожлантириш муҳим, деб ҳисоблайди. **Ижтимоий фаровонлик манбаларига** либерал-демократлар **муносабатини** ҳам партияимиз уларнинг муайян камчилиги, деб биледи.

Жамиятда тартиб гоёяларини кенг тарғиб этиш ва унинг тарафдорларини кўпайтириш учун мафкуравий ишларни самарали ташкил этишга эътибор қаратиш зарур, деб биламиз. Партияимиз Марказий Кенгаши бу борада минтақавий, туман ва шаҳар кенгаши, шунингдек, бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтиришга ҳаракат қилимоқда. Бунда партияимиз Сайловдиди дастурида, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар, 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурига мубофиқ фаолият олиб бораётганини, бу борада муайян ижобий натижаларга эришилаётганини таъкидлаш ўринли. Жумладан, партия ташкилотларимиз ўтказиб келадиган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқув-семинарлар Президентимиз илгартирган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифалар асосида ташкил этилмоқда.

Партияимиз Марказий Кенгаши ташаббуси билан шу мақсадда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

барча вилоятларда сайёр семинарлар ўтказилди. 2011 йил давомида вилоят, туман ва шаҳарлик миқёсида 6,5 миңдан ортиқ, хусусан, бошланғич партия ташкилотлари даражасида 4 миңга яқин ўқув-семинар ташкил этилган. Мазкур тadbирларда ёзувчи, иқтисодчи ва сиёсатшунос олимлар ва бошқа кўплаб соҳа вакиллари иштирок этиб, муҳокама қилинган масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиргани муҳим аҳамиятга эга. Ўқув-семинарларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партияимиз фракцияси аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари доимий равишда иштирок этмоқда.

**Шу билан бирга, партияимиз Марказий Кенгаши маҳаллий ташкилотлардаги Ахборот-ресурс марказлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича ҳам амалий ишлар олиб бормоқда. Хусусан, 2011 йил давомида уларга 612 адабий, 322 ўқув услубий қўлланма етказиб берилди.**

Партия тизимида тарғиботчилар ишини кучайтириш бўйича ҳам амалий чоралар кўрилмоқда. Хусусан, маҳаллий партия кенгашлари қошидаги тарғиботчи гуруҳлар таркиби мунтазам равишда бойитилмоқда, уларни ўқитиш, малакасини оширишга қаратилган қатор тadbирлар доимий тарзда ишлаб чиқилмоқда. Бу борада йўналтирилган ўқувлар мамлакатимизнинг барча минтақаларда ташкил этилди.

Шунга қарамай, партия ташкилотлари фаолиятида камчилик ва фойдаланилмаган имкониятлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизи-

мида ўтказилаётган ўқув-машгулотларининг ҳаммаси ҳам юқори савияда ташкил этилаёпти, дея олмаймиз. Маҳаллий партия кенгашларидаги Ахборот-ресурс марказларининг моддий-техника таъминланганлиги, тарғиботчи гуруҳлар фаолияти ҳам бизни тўлиқ қониқтирмайди. Афсуски, айрим ҳолларда маҳаллий партия кенгашлари Марказий Кенгашдан услубий материал ва амалий ёрдам кутиб қолаёпти. Улар бу борада ўз имкониятларидан етарли даражада фойдаланмаёлти. Айниқса, Ахборот-ресурс марказларини китоб, ахборот, техника ва кўргазмалар тарғибот воситалари билан таъминлашга барча ҳудудларда ҳали етарли эътибор берилмоқда деб бўлмайди.

**Бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида партияимиз Марказий Кенгаши сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ташкил этилаётган семинарларни янада такомиллаштириш, маҳаллий партия кенгашларидаги Ахборот-ресурс марказлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тарғиботчи гуруҳлар аъзолари билан алоҳида иш олиб бориш, жумладан, улар билан икки кунлик республика ўқув-семинари ўтказиш ҳамда маҳаллий партия ташкилотларини марказлашган тарзда кўргазмалар воситалар билан таъминлашни режалаштирган.**

Мустаҳкам оила йили муносабатларининг ҳаммаси ҳам юқори савияда ташкил этилаёпти Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раёсатидан фойдаланиб, дастурий мақсадларига мубофиқ бир қанча муҳим масалаларга йўналтиришни кўзда тутмоқда. Бунда, хусусан, тегишли қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мубофиқ аҳолининг тиббий суғуртаси тизimini босқичма-босқич ташкил этишни яқини етказиш, оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада яхшилашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилаёпти. Бундан ташқари, ёш оилаларга, чекка аҳоли пунктларида ишлаётган ўқитувчилар ва тиббиёт ходимларига ўй-жоҳ сотиб олиш ва қуриш учун имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, намунали лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги ўй-жоҳ қуриш учун имтиёзли кредитлар бериш, ижтимоий химояга муҳтож оилаларни муҳофаза қилиш борасидаги меъёрларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, електоратимиз манфаатини самарали химоя этишда ўзини оқлаган тажриба — иқтисодий форумларни давом эттириш, бунда имкониятни чекланган кишиларга алоҳида эътибор қаратиш устувор вазифаларимиздан ҳисобланади.

**Партияимизнинг жамиятда қай даражада обрў-эътиборга, таъсир кучига эга бўлиши ва електорат олдида юзи ёруғ бўлиши бу вазифалар ижросига бевосита боғлиқдир.**

**Шарбат АБДУЛЛАЕВА,**  
**ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари.**

### ЎзХДП: «Фаол аёллар» қаноти

■ ЎзХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан Навоий вилоятида «Соғлом оила — жамият таянчи» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда аёлларнинг оила ва жамият ҳаётидаги мавқенини кучайтириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида фикр юритилди.

# СОҒЛОМ ОИЛА

## мустаҳкам жамият кафолати

Мамлакатимизда оилани мустаҳкамлаш, аёлларни эъзозлашга катта эътибор қаратишмоқда. Бу — бежиз эмас. Чунки оила тинчлиги, саломатлиги жамият мустаҳкамлигини белгиловчи омил. Давра суҳбатида таъкидландики, фарзандлар ҳар жиҳатдан етук бўлиб улғайишида онанинг ўрни бежиз эмас. Шу маънода, оилага соғлом муҳит яратиш маъсулиятини аввало, аёллар зиммасига тушади. Шундан келиб чиқиб, партияимизнинг фаол аёллари ҳар бир оилани кираб бориши, хотин-қизлар манфаатига, уларнинг фаоллигини оширишга хизмат қилувчи ташаббуслар билан чиқиши керак.

**Гулчехра РАШИДОВА,**  
**ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Навоий вилоят бўлими етакчиси:**

— Президентимизнинг «Мустаҳкам оила йили» давлат дастури тўғрисидаги қарориди «Соғлом оила — соғлом фарзанд» таъминоти асосида оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизimini янада такомиллаштириш зарурлиги белгиланган. Фаол аёллар бу масалада ўз зиммасидаги вазифаларни чуқур ҳис этиши ва кўпроқ амалий ишлар қилиши лозим. Айни чоғда вилоятимизда 5 миң нафардан ортиқ хотин-қизлар «Фаол аёллар» қаноти ишини қўллаб-қувватламоқда. Бу — катта имконият. Ундан унумли

фойдаланиш керак. Шундан келиб чиқиб, қатор ташаббуслар билан чиқаяймиз. Хусусан, аёлларни ижтимоий муҳофаза қилиш, она ва бола саломатлигини асрашга доир ишларни янада кучайтиришга ҳаракат қилаёймиз. Бу йил ҳам ҳар жиҳатдан етук бўлиб улғайишида онанинг ўрни бежиз эмас. Шу маънода, оилага соғлом муҳит яратиш маъсулиятини аввало, аёллар зиммасига тушади. Шундан келиб чиқиб, партияимизнинг фаол аёллари ҳар бир оилани кираб бориши, хотин-қизлар манфаатига, уларнинг фаоллигини оширишга хизмат қилувчи ташаббуслар билан чиқиши керак.

Шунингдек, аёлларни касаначиликка жалб қилишга ҳам алоҳида аҳамият бераёймиз. Маълумотларга кўра, ҳозир вилоятда 2853 та касаначи фаолият юритаёпти, шундан 1320 нафари аёллар. Ҳали бу борада қилиниши зарур бўлган ишлар кўп. Таҳлиллар кўрсатишича, Навбахор ва Учкўдук туманларида касаначилик бўйича яратилган имконият ва имтиёزلардан етарли фойдаланилмаётган. Шу боис, касаначилик асосида ишлашнинг афзал ҳисоблангани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизimini янада такомиллаштириш зарурлиги белгиланган. Фаол аёллар бу масалада ўз зиммасидаги вазифаларни чуқур ҳис этиши ва кўпроқ амалий ишлар қилиши лозим.

Айни пайтда, аёллар билан юзма-юз мулоқот уюштириб, хотин-қизларни ўйлаштиришга қаратилган ташаббусларни кўпайтириш бўйича тавсия берди. Давра суҳбатида билдирилган тақлифлар асосида «Фаол аёллар» қаноти вилоят бўлими зиммасидаги вазифалар белгилаб олинди.

**Лазиза ШЕРОВА,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



Муносабат

# ТАЪЛИМНИНГ ЎЗБЕК МЎЪЖИЗАСИ

Илмий анжуман доирасида бир гуруҳ чет элик меҳмонлар Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университетига ҳам таширф буюрдилар. Улар орасида Сибир давлат геодезия академиясининг инновацион фаолият ва илмий ишлар бўйича проректори, профессор А. Середович ҳам бор эди. Геодезия ва картография соҳасида нафақат Россия, балки чет элда ҳам эътироф этилган олим ЎзМУ фаолият кўрсатаётган Геодезия, картография ва кадастр, Қуруқлик гидрологияси каби кафедралар фаолияти билан таништи, ўқув хоналари ва лабораторияларнинг компьютерлар ва географик инфор-

Фавкулда у бирдан мавзунини ўзгартириб, 2011 йил физиология ва медицина соҳасида Нобель мукофоти лауреатлари Ральф Штайнманн (АҚШ), Жюль Хоффман (Франция) ва Брюс Бойтлерларнинг (АҚШ) орттирилган иммунитет танқислиги бўйича оламшумул кашфиётларига тўхтади. В. Садовничий сўзида давом этар экан, ушбу ҳолатни куйидаги-ча изоҳлади: Мирзо Улугбек номидаги ЎзМУ биология факультети битирувчиси, бугунги кунда эса Москва давлат университети аспиранти Руслан Мажидовнинг шу йўналишда эришган ютуқлари уларниқидан қолишмаслигини алоҳида эъти-

фаолият кўрсатаётган сув эрозияси ва ўзан жараёнлари муаммолари бўйича Халқаро Мувофиқлаштирувчи Кенгаш президиуми аъзолари бўлиши билан бир вақтда, ушбу нуфузли ташкилот томонидан ўтказилаётган илмий анжуманларнинг фаол иштирокчиларидир. ЎзМУ тадқиқотчиларининг гидрология фанининг ушбу йўналишидаги илмий изла-нишлари эътироф этилиб, улар 2005 йилда МДУ раҳбариятининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Бундай ўзаро ҳамкорлик ишлари ЎзМУ билан Россия Гидрометеорология университети (Санкт-Петербур) ўртасида ҳам йўлга қўйилган. Ҳозирги кунга қадар мазкур олий таълим даргоҳида ЎзМУ гидрометеорология йўналиши битирувчиларидан Қ.Қодиров, С.Нурисломов, Г.Ҳамидова, Н.База-рова, С.Ерёмина, Г.Фуломовлар магистратура босқичини ўтаган бўлсалар, улардан дас-тлабки иккиси айни пайтда шу олий ўқув юртининг аспирантурасида таҳсилни давом эттирмоқда.

**ЎзМУ гидрометеорология йўналиши бакалавриатура босқичи битирувчиси А.Тўлаганов Жаҳон Метеорология ташкилоти гранти кўлга киритиб, Ҳиндистоннинг Рурки шаҳридаги нуфузли университет магистратурасини битирди.** Ҳозирги кунда у пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган Давлатлараро Мувофиқлаштирувчи Сув ҳўжаллиги комиссиясининг Илмий ахборот маркази етакчи мутахассиси сифатида иш олиб бормоқда. **Шунингдек, ЎзМУ Қуруқлик гидрологияси кафедраси магистратура босқичи битирувчилари Ф.Умирзоков ва С.Қодировлар ўқишни Германия олий ўқув юртлири аспирантурасида давом эттирмоқдалар.**



Анжуман ишида Буюк британиялик сиевастунос олим Чарлз Кларк билан танишиш ва у билан қисқа мулоқотда бўлди. Аниқроғи, унинг ўзи бизни суҳбатга тортиди. Чарлз Кларк, бизга «Ўзбекистоннинг барча худудларида ўқиш бир хилда олиб бориладими?», деган савол берди. Ва фикрини давом эттирди: «Айтмоқчиманки, марказ — Тошкентдаги таълим жараёни регионлардаги билан бир хилми ёки фарқ қиладими?».

Биз унинг саволига жавоб сифатида, Президентимизнинг форумдаги маърузасида қайд этилганидек, таълимнинг барча босқичлари — умумий ўрта таълим, ўрта махсус касбхунар таълими, олий таълимнинг бакалавриатура ва магистратура босқичлари махсус меъёрий ҳужжатлар (давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, фанларнинг намунавий дастурлари) билан тўла таъминланганлигини айтдик. Уларнинг ҳар 3-5 йил давомида такомиллаштириб борилаётганлиги алоҳида қайд этилди. Мамлакатимизнинг барча худудларидаги таълим муассасаларида ўқув жараёни аса шу меъёрий ҳужжатлар асосида бир хилда олиб борилишини тушунтириб бердик.

Таълим соҳасига бундай ёндашув юксак натижалар бераётгани мамлакатимиз ўшларнинг дунё миқёсида ўтказилаётган халқаро фан олимпиадаларида эришаётган ютуқлари ҳам ўз аксини топаётганлигини гапириб бердик. Фикримиз далили сифатида жаноб Чарлз Кларкка таржимон сифатида бириктирилган қизимизнинг марказдан ёки вилоятдан эканлигини сўраб кўришини илтимос қилдик. Чарлз Кларк-

нинг саволига таржимон қизимизнинг инглиз тилида бийрон-бийрон гапириб, узининг Самарқанд вилоятининг тоғли қишлоғидан эканлигини билдириди. **«Таълимда — мўъжиза», деди суҳбатимиз сўнггида хайратланиб Чарлз Кларк. Хулоса қилиб айтганда, ушбу анжуман нафақат ўзбекистонлик мутахассислар, балки унга чет мамлакатлардан таширф буюрган таълим соҳаси олимлари ва мутахассислари учун ҳам фойдали бўлди. Бу ҳақда уларнинг кўпчилиги анжуманнинг ялпи мажлисида, унинг секцияларидаги маърузаларида ҳам кўп марта такрорладилар. Бу фикрлар унинг якуний ҳужжати — резолюциясида ҳам тўлиқ акс этган. Энг муҳими, ушбу резолюцияда Ўзбекистоннинг таълим соҳасида туб ислохотларни амалга ошириш натижасида эришган ютуқлари ва бу борадаги тажрибаси эътироф этилиб, уни чуқур ўрганиш лозимлиги таъкидланди.**

**Фазилдин ҲИҚМАТОВ, Ўзбекистон Миллий университети профессори, Давлатбой АЙТБАЕВ, география фанлари номзоди доцент.**



мация тизимни қўллашга имкон берадиган замонавий технологиялар билан жиҳозланган лигидан хайратга тушди. У зининг таширфи давомида ЎзМУ ректори профессор Ф.Муҳамедов билан учрашиб, бўлиб ўтган мулоқот давомида профессор А.Середович ЎзМУ билан Сибир давлат геодезия академияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномасини тузиш ташаббуси билан чиқди. Анжуманнинг ялпи мажлисида сўзга чиққан М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети (МДУ) ректори В.Садовничийнинг мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилган ислохотларга берган юксак баҳоси қатнашчиларда катта таассурот қолдириди. Маърузачи Президент Ислам Каримов ташаббуси билан Тошкентда МДУнинг филиали ташкил этилганлиги ва унинг муваффақиятли фаолият кўрсатаётганлигини мамнуният билан таъкидлади.

роф эди. Ўзбекистонлик ёш олим эришган бу ютуқ ЎзМУ билан МДУ ўртасидаги илмий ва амалий ҳамкорликнинг натижаси эканлигини таъкидлади. Ўз сўзининг якунида у шундай ҳамкорликни ривожлантириш келажақда ҳар икки томон учун янада истиқболли эканлигини изҳор қилди.

Президентимиз анжумандаги маърузасида мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг тегишли олий ўқув юртлири ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини ва мазкур форумнинг асосий мақсадларидан бири ҳам айнан шу масалага қаратилганини таъкидлади.

Бугунги кунда ЎзМУ география факультети қуруқлик гидрологияси кафедраси магистратура босқичи битирувчиси Руслан Муракаев МДУ профессори Н. Алексеевский раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида турибди. Шунингдек, ЎзМУ олимлари МДУ қошида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

## Истиқлол имкониятлари

Тошкент — Самарқанд йўналишида юқори тезликда ҳаракатланган поездлар қатновини ташкил этиш лойиҳасининг навбатдаги босқичи — Даштобод участкасида электрлаштирилган темир йўл тармоғини қуриш ишлари поёнига етказилди.



# МИРЗАЧЎЛДА ЯНГИ ТЕМИР ЙЎЛ ТАРМОҒИ

Президентимиз ташаббусига кўра, юқоридаги лойиҳада Жиззах-Янгий йўналиши бўйича электрлаштирилган икки йўлли темир йўл тармоғи ва Янгийер — Фарҳод йўналиши бўйича электрлаштирилган бир йўлли темир йўл тармоғи қурилиши кўзда тутилган эди. Темирйўлчилар бу участкада кенг кўламли мураккаб муҳандислик ечимларни ўз ичига олган ишларни қисқа муддатда бажарди. 4 та темир кўприк, 189 та сунъий иншоот, 148 та сув қувури, 40 та дюкер ва туннел шаклидаги темир йўл ўтказгич қуриб битказилди. Турли кучланмидаги электр узатиш линиялари, мураккаб муҳандислик қурилмалари, газ ва сув узатгичлар барпо этилди. Жами 6 миллион 348 минг куб метрлик тупроқ ишлари бажарилиб, 1356 та темир ва темир-бетон, электр таянч устунлари, 22 мингта муҳофаза панжара тўсини, 3 та марказлашган электр

узатиш маскани, 6 та кўрикландиған темир йўл кесимшарли компания тасарруфидаги лойиҳалаш муассасалари, корхона ва ташкилотлари кучи билан амалга оширилди. Икки йўллик электрлаштирилган темир йўл тармоғининг биринчи босқичи — 35 километрик биринчи жуфт йўналиш Ватанисиз Мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида «Аfrosiyob» поезди қатнови муносабати билан ишга тушган эди. Мазкур лойиҳа эса пировардида сарф-харажатларни 20 фоизга камайтириш ва йўловчи ҳамда юкларни манзилга етказиш тезлигини 1,3 баробар ошириш имконини беради. Янги электрлаштирилган темир йўл тармоғининг Даштободга келиши яқин атрофдаги қишлоқлар ободонлаштирилишига, янги инфратўзимла шаклланишига замин яратди.

**Сувқул РУСТАМОВ, журналист.**

## Тадбир

# ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒУРТА БОЗОРИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тошкент молия институтида Молия вазирлиги ва етакчи суғурта компаниялари иштирокида ушбу мавзуда республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Тадбир миллий суғурта бозори ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва истиқболларини муҳокама ва таҳлил қилиш, ривожланган давлатлар тажрибасини умумлаштириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида ташкиллаштирилди.

Анжуманда таъкидланганидек, сўнгги 5 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,5 фоиздан кам бўлмаган ижобий кўрсаткични ташкил этмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун яратилган қулай муҳит, санот ишлаб чиқариш ҳажмларининг барқарор ўсиб бориши, ташки иқтисодий фаолиятнинг ҳар томонлама ривожланиши мамлакатимизда суғурта хизматлари бозорининг янада тараққиёти топиши учун катта имкониятлар яратаяпти.

Ўтган йил якунлари бўйича суғурта ташкилотлари томонидан тўлланган суғурта мукофотлари ҳажми 231,6 млрд. сўмни ташкил этди. Ҳолбуки, 2004 йилда бу кўрсаткич 32,3 млрд. сўмга тенг бўлган эди. Яъни, ўтган 7 йил давомида суғурта мукофотлари ҳажми қарийб 7,2 мартага ошган. 2004 йилда суғуртачилар сони 24 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 37 тага етди.

ҳамда тақлифлар ишлаб чиқилди ҳамда уларни манфаатдор вазирлик ва идораларга тақдим этиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

**Таъкидлаш жоизки, мазкур тадбирнинг Тошкент молия институтида ўтказилиши бежиз эмас. Институти бугунги кунда мамлакатимиз молия-банк тизими, жулмаларда, Ўзбекистон суғурта бозори учун юқори малакали, рақобатбардор кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассасиси ҳисобланади.**

Институти Молия вазирлиги ва республикамизнинг аксарият суғурта компаниялари билан узоқ муддатга мўлжалланган ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзолаган бўлиб, улар доирасида талабларни замирилик тизими ва суғурта компанияларида малакавий амалиёт ўтайдилар. Ўз навбатида, Молия вазирлиги ва суғурта компанияларининг тажрибали ҳамда етакчи мутахассисларининг Тошкент молия институти талабалари учун суғурта бозорининг долзарб йўналишларига бағишланган махсус маърузалари билан доимий чиқишлари йўлга қўйилган.

**Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## Хориж

### ТАҚИҚЛОВ ЖОРИЙ ЭТИЛГАН ЭДИ

**Германия Федерал конституциявий суди Гамбург шаҳрида жамоат жойларида сигарет чекишни тақиқлаш бўйича яқинда қабул қилинган чорани бекор қилди.** Суд қароридида баён қилинишича, дейилади «The Local» нашрида, шаҳар маъмурияти чекишни барча жамоат жойларида тенг тақиқламаган, яъни умумий овқатланиш шохобчаларида чекиш тақиқлангани ҳолда чанқовбосди ичимликлар истеъмол қилинадиган шохобчаларда эса бундай тақиқлов жорий этилмаган.

Тадқиқотларда шу нарса аниқлангани, тамаки ту-тунини инсониятга ҳамма жойда бир хил зарар еткази-лади, дейилади суд баённомасида. Энди шаҳар маъмурияти суд қарорини инobatта олган ҳолда сигарет чекишни барча жамоат жойларида бирдек тақиқлаш тўғрисида янги чора ишлаб чиқиши кутилмоқда.

### КУНИГА 150 МИНГ БАРРЕЛ

**Нефть ўғирланмоқда** **Нигерияда нефть қазиб олиш билан шуғулланувчи компаниялар коррупциялашган ва трининал гуруҳлар қомонидан нефть ўғирлиги авж олгани боис (кунига ўртача 150 минг баррел миқдориди нефть ўғирланмоқда) катта зарар кўрмоқда, дея баёнот**

Берди «Shell Exploration and Production Africa» вице-президенти **Иан Крейг**. «АФР» АА хабарига қараганда, кейинги пайтларда нефть ўғирлиги «Ийрик бизнес»га айланиб бормоқда ва у «қора бозор»ни тўлиқ таъминламоқда, ҳатто қўшни давлатлар бозорлари ҳам чиқарилимоқда.

Бугунги кунда Нигерияда нефть қазиб олишнинг умумий ҳажми кунига 2,18 миллион баррелни ташкил этади. Африка қитъасида нефть қазиб олиш борасида Нигерияга тенг келадигани йўқ. Мамлакат бюджетидидаги даромаднинг учдан икки қисми нефтьга индустриясида келади, умумий экспортнинг 90 фоизини нефть ташкил этади. Бу ерда «Royal Dutch Shell», «ExxonMobil» ва «Chevron» сингари хорижий ййрик қўшма нефть компаниялари фаолият олиб боради.

### КЎМИР ИМПОРТИ БЎЙИЧА

**етақчи мамлакатга айланган** **Жорий йилда Ҳиндистон четдан мамлакатга кўмир импорт қилиш борасида Хитойни ортда қолдиради. «Citigroup» тадқиқотчилари таҳлилларига асосла-ниб «Bloomberg» нашри бу ҳақда хабар тарқатди.**

2012 йилда Ҳиндистон хориждан 118 миллион тонна кўмир сотиб олади. Хитой эса 102 миллион тонна. Ҳиндистонда кўмирга бўлган талабнинг ортиши унинг импорти даражаси ошишига сабаб бўлмоқда. Мамлакатда кўмирнинг асосий қисми электр энергияси ишлаб чиқаришга сарфланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатда электр энергияси таъқислиги кузатилаётгани боис 2011 йилнинг учинчи чорагида иқтисодий ўсиш суръатлари тушиб кетди. Айнан хомашнинг етишмаслиги энергетика қувватларини оширишга имкон бермаяпти. Мамлакатдаги «Reliance Power» ва «Adani Power» сингари ййрик энергетика компаниялари қувватларини ошириш борасидаги режаларидан воз кечди. Умумий ҳажми 36 миллиард долларлик электр станциялари қурилиши дастури эса тўхтаб қолди.

Шу ўринда Хитой ҳақида гапирадиган бўлсак, Хитойда ҳам энергия истеъмоли даражаси ўсиб бормоқда. Талабни қондириш учун эса кўмир импорти эмас, балки мамлакатда кўмир қазиб олишни ривожлантириш бўйича иш олиб боришмоқда. Жорий йилда бу мамлакатда кўмир қазиб олиш бир йил аввалги кўрсаткичдан икки баравар ортади — 200 миллион тонна.

2011 йилда Хитой четдан мамлакатга кўмир импорт қилиш бўйича Японияни ортда қолдириб, дунёда етакчи бўлган. Япония бу борада 1975 йилдан бери биринчиликти қўлдан бермай келмоқда эди.

**ЭЪЛОН**  
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Назорат-тафтиш бўлими мудири лавозимига танлов эълон қилади.  
Танловда иштирок этиш учун 40 ёшгача бўлган, мутахассислиги бўйича камида 5 йил иш стажига эга, олий маълумотли иқтисодчилар тақлиф этилади.  
Мурожаат учун телефонлар: 239-18-55, 239-27-31  
Факс: 239-13-20



1 mart — Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним таваллуд топган кун

ХАЛҚИМГА АЙТАР СЎЗЛАРИМ

Ўзинг ташна этдинг, ўзинг сув тутдинг, Қалбимдаги саҳром, дарёмсан, халқим! Сени сева-сева мен бойиб кетдим, Дунё ичра топган дунёмсан, халқим!

Юрак чақмоқ теккан осмон юзидай, Лекин эътиқодим, иймоним бутун, Умримда қилганим озми-кўпимдан, Меҳринг дарёсидан серобман бу кун...

Хали бор олдинда ўтмаган бурчим, Ўтайман кўзимда тирик турса нур, Умримдаги барча фасллар учун Ўзига бек халқим, Сенга ташаккур!



ЗУЛФИЯ

Ватан ҳимояси — олий шараф

ЎЙГИТЛАР ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА КУЗАТИЛДИ

Яқинда синов ва танловлардан муваффақиятли ўтган ўғлонлар муддатли ҳарбий хизматга отланди. Сурхондарё вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг чақирув пунктида бўлажак аскарларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Айтиш кераки, юртимизда профессионал миллий армия шакллантириш борасида амалга оширилган кўламли ишлар туфайли бугун Қурол-Кучларимиз мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигининг қафолатига айланди. Ҳарбий соҳанинг нуфузи ортди. Ватан ҳимоячилари сафида йигитлик бурчини ўташ мард ва жасур ўғлонлар учун шон-шараф ҳисобланади.



Суратда: Мирзоқир Миртургунов онаси Омина Мирсултонова билан.

Асқар ҒЎЛБОВ (ўзА) олган сурат.

Аннаева. — Кўпчилик қатори мен ҳам шундай бахтга муяссар бўлиб турибман. Ўғлим юртимиз учун муносиб ҳимоячи бўлишига ишонаман. Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

ЯХЁ ИМОМОВ — ЖАҲОН КУБОГИ ФОЛИБИ

Чехиянинг Прага шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган жаҳон кубогига юртимиз полвони шарафига Ватанимиз мадҳияси янгради, давлатимиз байроғи баланд кўтарилди.



Ушбу нуфузли мусобақада дунёнинг етмиш тўрт давлатидан келган тўрт юз нафарга яқин дзюдочиларимизнинг иштирокидаги яхши натижаларга эришилди. Жаҳон кубогига бахсларида ҳаётини бағишлаган Фармонов (66 кг), Яхё Имомов (81 кг)лар гиламга чиқди. Уз вазн тоифасида аллақачон Лондон олимпиадаси йўлланмасини нақд қилган Мирзоҳид Фармонов учун мазкур беллашувлар маҳорат мактаби вазифини ўтаган бўлса, Яхё Имомов эса айнан Прага майдонларида XXX ёзи Олимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритиш учун жаҳоннинг рақибларини оқимдан кўпайтириб олиш имконига эга эди.

Кувонарлиси, моҳир дзюдочимиз Яхё Имомов ўзига билдирилган ишончни шараф билан удаллади. У нуфузли мусобақада туркиялик Аҳмад Сарри, венгриялик Сзаболс Крижан, белгиялик Хоаким Вотиау, мўғулистонлик Ган Тувшинжаргал ҳамда грузиялик Леван Гциклауриниларни мағлубиятга учратиб финалга йўлланма олди. Ҳал қилувчи финалда Яхё яна бир грузиялик дзюдочиси Бека Гвиниашвилини доғда қолдирди. Спортчимизнинг ўша галабаси учун атиги 56 сония кўшбоғ қилди ва Яхё Имомов шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Бу жамоаларнинг Тошкентда кечган дастлабки учрашувида 1:1 ҳисоби қайд этилган. Шу боис, жавоб ўйинига қизиқиш жуда юқори эди. Аммо баҳс олдида терма жамоамиз таркибига айрим муаммолар пайдо бўлганди. Жумладан, сарик карточкалари сони иккитага етган Ислом Тўтахўжаев, Санжар Турсунов, Сервер Жепаров, Вағиз Галиуллин, Александр Гейнрих сингари етакчи ўйинчилар майдонга туширилмади. Бундан ташқари, яна бир иккитдорли футболчимиз Одил Аҳмедов ҳам маълум сабабларга кўра, терма жамоа билан Японияга сафар қилмади. Нағоя шаҳрида ўтган учрашувда бош мураббий Вадим Абрамов бу футболчилар ўрнини анчадан бери захирада қолиб келатган бошқа ўйинчилар билан тўлдиришга мажбур бўлди.

Гуруҳдаги иккинчи ўйинда Тожикистон — ҚХДР терма жамоалари ўзаро куч синашди. Унда 1:1 ҳисоби қайд этилди. Эътиборли жиҳати, қўшниларимиз жаҳон чемпионати Осиё минтақаси учинчи саралаш bosқичида рақиблари дарвозасига илк тўпни киритди ва ўз ҳисобларига ягона очкони ёзди.

Table with columns: Country, W, D, L, Goals For, Goals Against, Points

Энди мусобақа низомига кўра, Осиё минтақаси учинчи саралаш bosқичининг бешта гуруҳдаги биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган терма жамоалар икки гуруҳга бўлинган ҳолда жаҳон чемпионати финал bosқичига йўлланма берувчи бахсларни давом эттиришади. Булар Иордания, Ироқ, ЎЗБЕКISTОН, Япония, Австралия, Уммон, Эрон, Қатар, Жанубий Корея, Ливан терма жамоаларидир. 9 март куни Куала-Лумпур (Малайзия)да бўлиб ўтадиган куръа ташлаш маросимида Ўзбекистон футболчиларининг хал қилувчи bosқичдаги рақиблари маълум бўлади.



Эркин ХОЛБОВО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

КУЧЛИЛАР ҚАТОРИДА

Москва (Россия)да спортнинг нафис тури — бадий гимнастика бўйича ўтган Гран-при туркумидаги йирик халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам муносиб иштирок этди.



Бир ҳафта давом этган мусобақанинг шахсий бахсларида Жамила Раҳматова, жамоавий чиқишларда Зарина Қурбонова, Ольга Кирякова, Екатерина Сафронова, Луиза Ганиева, Феруза Мўминова ҳамда Марта Растварова ўз омадларини синая кўришди. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизматининг билдиришича, дастлаб кўпкураш бахсларида жами 47,050 балл тўплаган кизларимиз жамоавий бахсларда Россия (54,225) ва Япония (50,950) вакиллари билан кейин фахрли учинчи ўринни банд этишган. Шунингдек, мусобақанинг кўпкураш бахсларида ҳам вакилларимиз кучли ўйинчилардан жой олдилар. Жумладан, Оксана Звезина маррага иккинчи бўлиб етиб келган бўлса, Артём Воронов мусобақанинг фахрли учинчи поғонасига эгаллади. Спалом гигант ва махсус слалом мусобақалари ҳам мурасасиз кечди. Унда Артём Воронов бронза медалига сазовор бўлган бўлса, Аркадий Семенов кўнрақ кўнрақлигининг иккинчи поғонасига эгаллади.

ЧАНҒИЧИЛАРИМИЗ ЮТУФИ

Эронда ўсмирлар ўртасида тоғ чанғиси бўйича навбатдаги Осиё биринчилиги бўлиб ўтди. Йигирма биринчи марта ўтган мазкур нуфузли мусобақада мамлакатимиз спортчилари ҳам муносиб қатнашди.



Супер гигант бахсларининг 1995-1996 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида умидли чанғичимиз Аркадий Семенов иккинчи натижадан кўнрақлиги билан тақдирланди. Шунингдек, 1992-1994 йилларда туғилган ўсмир ва

жамоавий чиқишларда яна икки маротаба бронза медаллари билан тақдирланди. Шахсий биринчиликда булава билан машқ бажаришда ўз маҳоратини намойиш этган Равадия Фахруддинова бронза медални соҳибаси бўлди.

Қинғир иш — келтирар ташвиш

СОХТА ТАДБИРКОРЛАР

ўзаро тил бириктириб, миллион-миллионларни ўзлаштиргани ҳақида

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида катта ишлар қилинмоқда. Аммо, тадбиркорлар орасида берилган имтиёزلардан фойдаланиб қилишга ўринаётган кимсалар ҳам йўқ эмас.



Жиззах вилояти Фаллаорол туманидаги «Агро тайёрлов импекс» масъулияти чекланган жамияти мансабдор шахслари шундай эгри йўлни танлашди. Улар жуда кўп микдорда солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, сохта тадбиркорлик билан шуғулланиш каби жиноятлар содир этишган.

Жиноий шериклар юқоридаги Фармонда кўрсатилган имтиёزلардан ноқонуний фойдаланиб, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўлангани лозим бўлган 109 млн., 167,4 минг сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлайди ҳамда 3 млрд. 180 млн. 245,8 минг сўм нақд пул маблағини банкдан ташқари айлантириб, савдо қоидаларини бузади.

Бундан ташқари, жиноий гуруҳ туман ҳокимлигидан қайта рўйхатдан ўтказди. Мақсад — Президентимизнинг 2006 йил 9 январдаги Фармонида кўрсатилганидек, «янги ташкил этилган агросаноат фирмаси» ниқоби остида фойда, ер, мулк, қўшилган қиймат солиқлари ҳамда ягона солиқ тўловидан 5 йил муддатга озод бўлиш.

Бундан ташқари, жиноий гуруҳ ўз харакатларини давом эттириб, жамият ҳисоб рақамларида чет эл валютасини сотмаслик мақсадида 2010 йил ва 2011 йил биринчи чораги давомида имтиёزلардан ноқонуний фойдаланган ҳолда, жами 1 млн. 49 минг 810 АҚШ доллари, яъни 1 млрд. 741 млн. 818,2 минг сўм микдоридида чет эл валютасини яширади.

Уларнинг қинғир ишига Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Фаллаорол туман бўлими ходимлари чек

қўйди. Департаментнинг туман бўлими ноқонуний фаолият олиб борган «Агро тайёрлов импекс» МЧЖ мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди ва етказилган 109 млн. 167,4 минг сўм зарар ундирилиб олинди. Суд томонидан Б.Чиниқуллов ва Т.Жаниқулловлар 2 йил муддатга маълум лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди ҳамда 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Тадбиркорлик қилиб, ўзига ва халққа наф келтириш ўрнига фарз ниятни кўзлаган «ишбилармонлар»нинг қора қилмиши шундай яқун топди.

Азамат ЭРТАШЕВ, Одилжон МАҲМУДОХОНОВ, Департаментнинг Жиззах вилоят бошқармаси маъсул ходимлари.

Weather forecast table for various cities (Tashkent, Buxoro, etc.)

MUASSIS:



Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TANHIR HAY'ATI:

- List of names and titles: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, Bobir ALIMOV, G'affor HOTAMOV, Muhliddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz. T — Tijorat materiallari. O'za yakuni — 21.00. Topshirilgan vaqti — 01.00. Soluvda erkin narxda.

Navbatchi: Elmurod EGAMQULOV. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV.

